

ТОЗИР ЖОЛДАУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмириларининг газетаси

№ 12
(65839)
4 апрель,
СЕПАНДА
Сотунида эркани
нархда.

ЭЛ СҮЗИ — ДИЛ СҮЗИ



Мустақиллик шамоли эсган йиллар давомида элимиз эллар аро танилди, тан олинди. Ўз тили, рамзи, байробига эга халқнинг қадди кўтарилиди, дил тубида ётган орзулари куртак отди. Ахил ишласак, ишимиз унади, ҳар қандай мушкулимиз осон бўлади дейдиган, халқимизни ҳамиша ҳамжиҳатликка ундейдиган юртбошимиз Ислом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Референдумийи ўтказувчи комиссия раиси Қудратилла Аҳмедов Президент ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилганлиги тўғрисида гувоҳномани топширди.

— Референдумнинг юқори натижаси — Ўзбекистон халқининг меҳнати, осойишталиги, аҳиллиги ва меҳр-муҳабатининг мужассамидир, — деди юртбошимиз. — Ана шу сиёсий тадбир амалга ошираётган ишларимизни, ижтимоий-иктисодий сиёсатимизни ҳалқ қандай баҳолаётганини назардан ўтказиш имконини берди. Зотан, порлок истиқболига ишонган ҳалқигина буюк келажак йўлида бир ёқадан бош чиқариб, улуғ мақсадларга бел bogлайди. Вақтнинчалик мураккабликларга қарамай, кўтаринки кайфият, яратувчаник руҳи билан яшаётган азим ҳалқнинг етакчиси бўлишдек масъулият зимамда экан, уларнинг ишончини оқлашни ўзимнинг муқаддас бурчим; деб биламан.

Ҳаётимизни ҳуррам қилишга ҳаракат қилаётган, болалар — эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари, уларни билимдон, ҳар жиҳатдан баркамол қилиб ўстиришимиз керак дейдиган, ҳақиқий инсоннинг давлати — ўз эли эканлигига сидқидилдан ишонадиган юртбошимизга узоқ умр, сиҳат саломатлик тилаймиз.

дам беришиди.

Биз умумхалқ референдуми куни ҳам синф раҳбарларимиз ёнида туриб, сайловчиларни хушмуомалалик билан кутиб олаётган ўқитувчиларга қулимииздан келганча кумаклашдик.

Мана, уқув йилининг энг охирги — ҳал қилувчи чораги бошланди. Бу чорак бизнинг йил давомида олган билимларимизга якун ясашини яхши биламиш. Шунинг учун ҳам она тили, рус тили, ва мактабимиз

иҳтинослашган ҳинд тилидан буладиган имтиҳонларга пухта тайёргарлик куриш ниятидамиз. Бунга эса асос бор, чунки баҳорги таътилимиз кунгилли ва мазмунли ўтди.

**Севара ТОЛИБЖОНОВА,
Камола ҚОСИМОВА,
Тошкентдаги 144-
мактабнинг 8-«А» синф
ўқувчилари.**

Хар йили иқтидорли болаларнинг республика слётини ўтказиши одат тусига кириб бормоқда. Истеъдол эталари нафосат, экология, техника соҳаларида беллашиб уз кучларини синаб куришади. Яқинда улар яна баҳлашиш учун Тошкентда тупланшиди. Бу энди туртингич учрашув эди.

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театрида тўпландган слёт катнанчиларини Узбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазири Жура Фаниевич Йулдошев кизгин табриклиди.

«Чаман»нинг истеъдолли раққосалари Муқаддам Ҳакимова, Дилғуз Ғирматова, Муборак Раҳимова, Адолат Тожиева, Наргиза Ҳолматова, Санобар Аҳмедова, Мунира Дадажонова, Мұхәйе Ҳожимуродова ва бащқаларнинг

шух-шодон рақслари дилларга қувонч бағишиди.

Концертни ҳалқ таълими вазирининг уринбосарлари Йулдош Сайджонов, Ҳамидулла Йулдошев, Улугбек номли жамгарма раиси Исфандиёр Латипов, «Истеъдол» жамгармаси раиси, ҳалқ ёзувчisi Худойберди Тухтабоев ва бопқалар ҳам бажонидил томоша қилишиди.

**Муножот ФАЙЗИЕВА,
Тошкентдаги 236-мактабнинг
8-«Б» синф ўқувчиси.
Суратда: «Чаман» кизлари.
Сураткаш: Р. АЛЬБЕКОВ.**



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Молдава Республикаси қилган сафари, расмий ташриф вақтида Молдава Президенти Мирча Снейгур билан олиб борган музыкарларни натижасида ўзаро муносабатларнинг янги босқичга кутарилиш истиқболи вужудга келганлиги ўтган ҳафтанинг мухим воқеаларидан бири бўлди. ***

Республикамиздаги дипломатия корпуси ва ҳалқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий аҳборот воситалари ходимлари билан учрашган юртбошимиз мамлакатимиздаги иқтисодий, сиёсий ва маданий вазиятга баҳо бераб, журналистларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтарди. ***

Ҳалқимиз олдидағи кўп иллик ҳалол хизматлари ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироклари учун геология ва минерал ресурслар ҳамда коммунал маший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлари фахрий унвонлар ва фахрий ёрликларга сазовор бўлишиди. ***

Ўтган ҳафтада АҚШ мудофая вазири Уильям Перри Украина, Россия Федерацияси, Қозогистон ва Ўзбекистон раҳбарлари билан музыкаралар олиб бориш учун йўлга чиқди. ***

Ўзбек диёридаги истедодли ёшларни танлашда, тарбиялаш ва рагбатлантиришда катта мактаб вазифасини ўтейтган иқтидорлар болаларнинг ЙУ слёти уч кун давомида шўбаларга бўлиниб иш олиб борди. Голиблар тағиши мукофотлар билан тақдирландилар. ***

Она заминимизнинг жанубий вилояти Сурхондарёда устоз ўқитувчиларимиз ўзларининг «Мураббий» номли газеталарига эга бўлишган эди. Ҳозир у ойига иккимарт, 4 минг нусхадан нашр этилмоқда. ***

Баҳорнинг бир ойи утиб кунлар исиб кетди. Ота-бобаларимиз дехқончиликда бир куннинг ҳам қадрени улуг тутишган. Шунинг учун ҳам Қашқадарё, Сурхондарё ва Бuxоро вилоятларида азamat пахтакорлар чигит экишини бошлаб юбордилар. ***

30 марта куни Боз вазирининг биринчи уринбосари Исимол Жўрабеков бошчилигига ўтган йигилишда Тошкентнинг эскишаҳар қисмини қайта куриш ва обод этиш масалалари мухокама қилинди. Мустақиллик байрамининг тўрт йиллигига багишлаб қад кўтарадиган иншоотларнинг курилиши ҳам қандай бораётгани ҳам кўриб чиқилди.

АЪЛОЧИЛАРГА МУКОФОТ

Оқдарё тумани, Рофе Ҳамроев номли жамоат хужалиги худудидаги 40 — умумталим мактабида аълочи ўкувчилар талайгина. Лекин уларнинг орасидан ҳам энг саралари танлаб олниди. Ҳам ўқишида, ҳам жамоат ишларида барчага намуна бўлаётган 20 нафар ўқувчига ҳар ойда маҳсус стипендия бериб борилипти. Бу гамхурлик эса келажаги буюк давлати мустаҳкам пойдеворига яна бир замин, десак бўлади. Шогирдларнинг нечогли билимдону зуко бўлишлари ҳар жиҳатдан уларнинг устозларига боғлиқ. Мазкур мактабда таълим олаётган 934 нафар ўғлиларнинг бу борада омадлари чопган, десак янглиши маймиз. Чунки уларга 4 нафар Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи аълочилари, ҳамда 84 нафар таҳрибали музаллимлар таълим-тарбия бериб келмодалар. Шогирдининг ютуғи, муваффақияти, устознинг ҳам ютуғидир. Шундан бўлса керак, шогирдлари орасидан талайгина фан докторлари, фан номзодлари, олимлари, раҳбар ходимлар этишиб чиқиб, халқимизга астойдил хизмат қилишади, устозлар фарх билан гапириб юришиади.

**Рахмиддин КўЧИМОВ,
Самарқанд шаҳри.**



Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани мудофаа ишлар бўлими бошлиғи, подполковник Нигмат Гаффорович Ҳамроҳўжаев билан сұхбат.

— Газетамиз республика болалари ва ўқувчиларини. Ҳақиқий Ватан ҳимоячиларини тайёрлашда сизнингча, кўпроқ нималарга эътиборни қаратиш лозим?

— Ҳарбий қисмларимизда намунали хизмат қилаётган аскарлар жуда кўп. Шулар ҳақида мақолалар ёритиш керак, уларнинг дил сўзларини эшиши деб ўйлайман.

— Мустақил мамлакатимиз қўриқчилари бардам-бакувват бўлишлари керак. Аммо сир эмас, айрим ота-оналаримиз ўғлим армияга борса, чиниқиб келади деб уларнинг соғлигига унчалик эътибор бермайдилар. Бундай эътиборсизликларнинг оқибати билан иш жараёнингизда куплаб туқнаш келган бўлсангиз керак?

— Албатта, бундай воқеалар куплаб учраб туради. Ҳар бир ҳарбий хизматга қақирилаётган йигитимиз чиниқан, соғлом ва бақувват бўлиши лозим. Акс холда, ҳарбий хизмат давомида қийинчиликларга дуч келиши турган гап. Ота-она фарзандига таълим-тарбия беради, меҳнат қилишни ўргатади. Меҳнатни севган одам эса асло қийинчиликлардан чўчимиади. Фикримча, йигитларимизни жуда ёшлик-чоғларидан оқиришини кенг йўлга қўйишимиз лозим. Уларнинг онгига Ватан ҳимоячиси бўлиш — буюк инсоний, йигитлик бурчи эканлигини мактаб партасида-

ноқ сингдира бориш, ёшлиқданоқ бирор касбга йўналтириш даркор.

— Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни куролли кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқаролари муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги ҷақириши» тўғрисида қарори эълон қилинди. Унинг ижроси хусусида нималар дея оласиз?

— Қарорни бажариш буйича фаоллар йигилишини ўтказдик. Биз ҳозир маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан биргалиқда ҷақирив қоғозларини тарқатмоқдамиз. Мудофаа ишлари бўлими мимиизда ҷақириувчилар ҳамда улар-

келса, муқобил хизматга олинади.

— Оиласа ёлгиз ўғил бўлса-чи?

— Ота-онаси нафақа ёшига етмаган бўлса, соғлиги яхши бўлса, нечта фарзанд бўлишидан қатъий назар, йигитлик бурчини ўтайди. Мабодо, ота-онаси ногирон бўлиб, уларга қарайдиган бошқа ўғил фарзанд бўлмаса, хизматни кечикириши ёки муқобил хизматда қодириши қонунда кўрсатилган.

— Юқорида айтганимдек, газетамиз муштарилини ўқувчи ёшлар. Ўйлашмича, болалиқдаги хотира-рингиз ҳақиқидаги ҳикоянгиз улар учун қизиқарли бўларди.

— Ҳарбий бўлишни ёшлигимдан орзу қиласдим. Ҳарбийлар ҳақида кўп китоб ўқиб, кинофильмлар кўришни кандо кильмасдим. Биз оиласа учта фарзанд — икки ўғил, бир қиз эдик. Ота-онам уйда катта фарзанд бўлгани учун ҳарбий бўлишинга қарши бўлишиди. Мен эса сўзимда қатъий туриб олдим. Сабаби, бошқа касбга қизиқмасдим-да. Үқишини битириб ишга жойлашдим. Ҳаётдан ўз йўлнимни топиб олдим. Ота-онам хизматда эришган муваффақиятларимдан шодланиди: «Балли ўғлим, ўз йўлингни топиб олдинг», — дедилар.

— Сизнингча, мактабларда бошлангич таълим дарсларининг ўқитилиши қониқарлими?

— Мактаблар билан доимо чамбарчас алоқадамиз. Ўқувчилар билан доимо машгулотлар ўтказиб турамиз. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Фарзандларимизга, хусусан ўғил болаларга қандай тилагингиз бор?

— Ҳар бир болада мақсад сари интилиш, ҳаракат бўлсагина, баркамол инсон бўлиб етишади. Ҳар бир йигит кишининг бошида ҳарбий хизмат бор, шунинг учун ёшлиқданоқ спорт билан дўстлашиб, ўзингизни чиниқтира боринг, дейман уларга.

— Ватан ҳимоячиси бўлиш — шарафли эканлигини асло унтурман! Юқори синф ўқувчиларига эса, касб танлашда адашманг зобитлик энг ардоқли касблардан бири. Келажак сизнинг қўлингизда! Фурсатни ганимат билиб ўкинг, ўрганинг, дегим келади.

**Олимжон ТЎХТАНАЗАРОВ
сұхбатлаши.**

Табиатни асраймиз

Ўқувчиларга жонажон табиатни авайлаб-асрай, экологиянг мусаффолигини сақлаш борасида янада чуқурроқ билимлар бериш мақсадидага экология ва инсон саломатлиги дарсларининг ўқитилаётганини айни мудда бўлмоқда.

Бу борада бизнинг мактабимизда ҳам талайгина ибратли ишлар олиб борилипти. «Табиатни асраймиз» йўналиши бўйича иш олиб бораётган «Экология» тугариги аъзоларининг қули-қулига тегмайди. Уларнинг ташаббуси билан мактабда «Ниҳол» ҳамда «Терак» операциялари ўтказилмокда. Бу операцияларда мактабимизнинг барча ўқувчилари фаол иштирок этишаётганини қувонарли ҳолдир. Мактабимиз ҳояслиси, атрофи, бориғимизда иш қизигандан-қизиб кетди. Кираверишдаги қуриқ қолган ҳарни тол даражатларини олиб ташлаб, уларнинг ўрнига олма, урик, гилос каби мевали даражат ниҳоллари ўтказилди. Даражатларга шакл берилаб, қуриган шоҳшаббалири текисланди. Янги ўтказилган мевали даражатларимиз сони 250 тага етди. Мактабимиз атрофига 1000 дан зиёд тез ўсар терак қаламчалири экилди. Бу навниҳолларининг илдиз отиб, усб-униши эса узимизга, меҳр билан парваришишимизга боғлиқ.

**Ш.БАҲРОНОВ,
Фиждувон туманинадаги
15-мактаб ўқитувчisi.**

ТУХУМХЎР ГРАФИН

Бир бор экан бир йўқ экан, Олтин номли шоҳ ва Кумушой деган малика бўлган экан. Уларнинг ўғиллари — Платина ҳам бор экан. Ота-она шаҳзодани ҳурсанд қилиш ниятида турли режалар тузишаркан. Бир куни улар ўюштирган базм жуда узоқ чўзилибди. Бундан шаҳзода зерикиб қолибди. Одатда шаҳзодалар нима хоҳласа шуни қиласдиган, кули ҳаммаёққа етадиган бўлиб ўсишар экан-да. Унинг рӯйини чўктирумасдан ўстириши — келажакда бир сўзли, қатъияти, узига ишонувчан шоҳни тайёрлаш билан баро-



бар экан. Олтин шоҳнинг вазири Индий жаноблари Платинанинг зериканини сезиб йигилганларга:

— Базму жамшидни тұхтатинг, бизни лол қолдирадиган хунарингизни кўрсатинг — дебди...

Тошкентдаги Мехри Шарипова номли мактабининг кимё хонасига яқинлашганимизда ўқитувчи Дилором опа Отамуҳамедованинг юқоридаги сўзларини эшишиб сергакландик. Ўқувчиларга Олтин, Кумуш, Платина, Индий — Менделеев жадвалидаги элементларининг образини намоён қилиб бераётган муаллимага ҳавасимиз келди. Беихтиёр кимё фанини ҳам бадиийлаштириб ўқитишиб мумкин экан-да, деб ҳайратга тушдик. Очиги шундай ўқитувчи қўлида таҳсил олаётган ўқувчиларга қизиқиб ҳам қол-

дик. Чунки бундай дарс сабоқларини олган болалар орасидан келажакда етук кимёгарлар етишиб чиқмаслиги мумкин эмас-да. Ўйлаганимиздек, мактабда кимё фанига қизиқувчилар кўп экан. Туман, шаҳар олимпиадаларида қатнашиб, юқори ўринларни олишибди улар.

Дилором опа худди шу мактаб парталарида ўтириб ўқиган экан. Энди эса бошқаларни ўқитаяти. Яхши қиз маҳалладан нари чиқмас деганларидек, олий даргоҳни битириб, жонажон мактабига буткул боғланган Дилором опа ўз маҳалласига келин бўлиб тушган эканлар. Иш бошлаган кезлари ўқитувчилар касбини ташлаб ҳам кетмоқчи бўлибди. Чунки ёш мутахассисга ўқувчилар билан тезликда тил топишиш қийин бўлган-да. Бунга ота касбини давом эттириш истаги йўл қўймабди. Она насиҳати, устозлар сабоги далда бўлиби. Эндиликда Дилором опани мактабда кимё ва биология метод бирлашма бошлиғи қилиб салашган.

Биз яхши китобни ўқигандек, қизиқарли саҳна асарини томошча қилгандек эшик олдида қотиб турганча дарснинг давом этишини хоҳладик.

Шу пайт мусиқа садолари остида ўз хунарларини кўрсатувчи турли элементлар намоён бўлишиди. Бири қизил гулни рангизлантириб кўйса, иккинчиси ёниб кетган дастрўмолчани асл ҳолига қайтарди. Шаҳзода Платинага эса тухумхўр графин ёкиб тушди. Графин оғзининг кичиклигини биласиз-а. Тухум у ёқда турсин, ёнғоқ ҳам сигмайди. Аммо кимёвий сеҳр натижасида унга арчиған тухум осонгина сигиб кетди.

Феруза Икромова, Наргиза Алимовалар бунинг сирини тушунтиришар экан, билмаган ўқувчи ҳам билимдон бўлиб кетиши шубҳасиз эди. Чунки ҳар бир элементга жон киритиб, ён бериб, осонгина тушунтириб бермоқ устозлари Дилором опанинг сабоқларидандир. Қани энди ҳамма ўқитувчиларимиз ҳам Дилором опа каби бўлса.

Феруза ОДИЛОВА.



Абдухамид эшик олдига эккан олма кучатини кимдир қаёққадир күчирганини ўқиган, эшитган ёки бир иккитангиз кўрган бўлишингиз мумкин. Юртимизда нима кўп, кўчатзор, кўкакамзор боф-роғлару, кўл ва даре бўйларида шовуллаган шоҳ-бутоғлар кўп. Ана шундай кўпликлар орасида бизга оқиб келаётган хатлар ҳам кўпайиб қолди. Эҳтимол, йўқолган кучатга хатларнинг қандай даҳли бор, деб айтувчилар ҳам бўлар? Нега даҳли бўлмас экан? Биз ҳикоя қилинган уша воқеадан кейин қанча Шерзоду Беҳзодлар қўлларига жажжи кетмон олиб, турли кучатлар ўтқазишга берилиб кетиши. «Қаерга қандай кучат ўтқазсам экан, уша кучатларни қаердан топсан экан», — деб орзу-ҳаёлларга берилиб кетганлари ҳам қанча-ю наҳотки биз уларни билмасак, танимасак, кўрмасак? Сизларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларингиз, ҳатто куни кечга тугаган таътил кунларида кимлар билан дўстлашганингизу кимлар билан баҳлашганингиз — ҳамма ҳаммаси узоқ-яқинлардан қоқилган симлару, ёзилган хат-хабарлар орқали бизга маълум булиб туриди. Биз сизларнинг ижодингиз, иқтидорингиздан ҳам яхши хабардормиз. Республика болалари ва ўсмиларининг якка-ю ягона газетаси булиши «Тонг юлдузи»нинг олтмиш беш йиллик умри давомида унинг шуъалари ёритмаган сизнинг оламингиздаги долзарб воқеа ва ҳодисалар йўқ ҳисоби. Ҳар даврнинг ўз юки булади, ҳар фаслнинг ўз қўшиги. Ана шу залворли юклару, айтиб адоги бўлмас қушиклар орасида кўклам — меҳнат билан кўркам эканлиги ҳақиқат. Меҳнатнинг қузини топгандар — бойликнинг ўзини топишиади.

Аълочи болалар «аълочиман» деб айтишга тортигани, кўрик-танловлару турли беллашувларда голиб чиқ-қанлар ўз устиворлигини баралла айтишга иймангани каби, эҳтимол бизлар ҳам ютуқларингиз — ўз ютуқларимизни кўнгилдагидек қилиб айта олмаётгандирми?.. Арзимаган ишимни ҳам назарга олибсизлар-да, деб турадиган саодатпеша, камсуқум, шунинг учун ҳам камол топадиган болалар экансизлар, эртанги куннинг чин

эгалари бўлишингизга ишонамиз. «Шеърларим — менинг шарҳим», «қалбим қиёфасининг чизгилари» деб қўлига қозо ва қалам олган шоир тенткурларингизга ҳам, нега Беҳзод боболаримизнинг, тарихда ўтган узимизнинг асл рассомларимизнинг таржими ҳолини яхши билмаймиз, адабиёт дарсликлирида нақошу рассом, ганчкору кандакор ота-боболаримиз

лик солади. Аммо «бола»га «юлдузча» қоғия бўлолмайди. Қолаверса, «юлдузча» «ночор» қолдимикан, ёки «Анвар деган бола?» Сиз ёзган шеър ўқувчига янтилик берсин ёки кўнгилдаги гапларни юзага қалқитган бўлсин. Шоирлик — қалб топқири бўлмоқлиқдир. Шунингдек, бизга янгиликлар, яхшиликлар ҳақида ҳам хабарлар келиб туриди. Аммо уша янгиликлару яхшиликлар нимаси билан ўзига хос, республика болаларига танитишга, тан олдиришга арзигулими, шуни ҳам ўйлаб олиб, кейин қулга қалам олиш керак. Китобий сўзлар топаман, газетабоп ифодалар излайман деб бизга хат ёзмоқ учун қийналиб юрманг.

Дўстингизга, ака-опангиз ёки ота-онангизга бирор воқеа ёки ҳодисани қандай тўлқинланиб айтиб берасиз, ҳудди шундайлигича бизга ҳам тўқиб эмас, тўкиб солинг. Оддий гапира бошладингизми, ўз-узидан сўзларингиз ҳам, сатрларингизнинг эга-кесими ҳам қуийлиб келаверади. Китоб туманидаги 14-мактабдан Тошбуви Исломова, Тўракўргон туманидан Маҳфуз Мингбоева, Чироқчи туманидан И. Қиличев номли мактабдан Б. Бобораҳматов, Богдод туманидан Жаҳонгир Фозилов, Фиждувон тумани З-мактабдан Наргиза Сафароваларга бизга мактуб йуллаганлари учун миннатдорчилик билдириб, ёзилган шеър, ҳикоя, воқеа ва ҳодисаларнинг шарҳига тўхталар эканмиз, битта истагимиз бор: сўзбозлиқдан қочинг! Самимийликка интилинг!

Дарвоҷе, кучат ҳақида, тоға-жиянлар эккан олма кучатининг топилмагани ҳақида. Ҳамон уша-уша: нозиккина навдадан дарак йўқ. Эҳтимол кимнингдир чорбогида туп қўйиб палак ёзар у? Эҳтимол... йўқ-йўқ, булиши мумкин эмас. Ана шу мўмкин эмаслиги учун ҳам Шерзоду Беҳзодлар кучат экишга берилиб кетишганига ишонамиз. Богларнинг, гулзорларнинг барқ уриб яшнаб кетиши учун қандай ҳисса қушганингиз ҳақидаги хат-хабарларга эса йил буйи қулоқ тутиб, куз тикиб яшаймиз. Хат ёзинг. Сим қоқинг. Келиб, меҳмонимиз бўлинг. Бизга қилишингиз мумкин бўлган ва қилган ишларингиздан ҳикоя қилиб боринг!

Умидад МУРОД қизи.

ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам батафсил маълумот бўлсин, деб расмлар чизган, сийратларини суратларига туширган ўртоқларингизга ҳам омадтилаган ҳолда, ҳамиша ҳам кайфиятнинг қули бўлаверманлар, деб ҳам айттимиз келади. Ақлга бўйинсунинглар. Идрокли бўлинглар. Туғри, яхши кайфият қумни олтинга айлантиради, инсонлар қалбига йул топишини осонлаштиради. Лекин, ёмон кайфият-чи? Уни ҳам инсонлар билдириб билмай, бир-бировларига яратиб қўядилар-ку? Бир кунда баъзан олов булиб ёнишингиз, баъзан сув булиб, ёнмоқлиқдан тонишингиз ҳам шундан эмасми? Шундай экан, ҳамиша ҳам юракка эмас, ақлга ҳам қулоқ солиб туриш керак.

Осмондаги юлдузлар
Туар эди милтиллаб.
Бирдан битта юлдузча
Тушиб кетди қилтиллаб,
Олиб қўймоқчи бўлди,
Анвар деган бир бола.
Аммо қўли етмади,
Ночор қолди юлдузча

— деб шеър ёзиди Юнусобод туманидаги Юсуф Мўминов номли мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси Вазира Илҳомова. Вазираойни шеър ёза бошлагани билан табриклар эканмиз, шу шеър орқали бизга ўз машҳарини йуллаган юзлаб тенгдошлирининг мактаб дарсликлиридан шеърнинг қонун-қоидалари — қоғия, вазн, туроқларни ўқиб, ўрганиб олишларини маслаҳат берамиз. «Милтиллаб» турган юлдузчанинг «қилтиллаб» тушиб кетиши қўнгилга хижил-

Бош мухаррир
Умидад АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФХОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Рахима Шомансурова,
Марат Шафиев,
Сайриддин ХОЛОВ (масъул қотиб)

Газета ҳафтанинг сепсанба куни чиқади.
Газета 1929 йил, 1 августан «Ленин

учкунин» номи билан чиқа бошлаган.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кучаси, 32-й.

Телефон: 33-44-25

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулida босилди.
Ҳажми — 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0157
11.000 нусхада босилди.
Коғоз бичими — А-3.
Босила топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

АЙЁР ҚҮЁН ВА ПАҚМА БАҚА ҲАҚИДА ЭРТАК

Айёр, мақтанчоқ қүён,
Йул олди полиз томон.
Тез полизга кирмоқчи,
Карамлардан емоқчи.
Лек қўёнвой билмасди.
Деҳқон қопқон қўйганин.
Угринга кўённи,
Тутволмоқчи бўлганин.
Полизларда гарқ пиш
ган,
Карамларни кўрди у.
Нафси ҳакалак отиб,
Карамга ташланди-ю.
Шунда недир «шак»
этисб,
Оғедин қисиб қолди.
Оғриқ жуда зўр келиб,
Кўёнвой хўп дод солди.
Роса уриниб бир иш,
Чиқара олмади у.




Шу дам емиш қидириб,
Бақа ўтиб қолди-ку.
«Ялинмоқдан йўқ ҳожат,
Бақавой жуда зийрак.
Кутулишнинг бир йули,
Хила ишлатмоқ керак.»
—Бақажон, эгажикон.
Ўтингимга сол қулоқ.
Бу лаънати қопқондан,
Куткарғин мени тезроқ.
Бақа дер:— Эвазига
Нима берасан менга?
Ахир мушук офтобга
Чикмайди-ку, текинга?!
— Эвазига бақажон,
Даволайман терингни.
Сўгалларинг йўқотиб,
Хусндор қилай сени.
Бақа кўпдан шу дардга
Даво тополмай гаранг.
Гоҳ ишониб, ишонмай,
Рози бўлибди аранг.
Орзуларга гарқ бўлиб,
Кўённи кутқариби.
Унинг берган ваъда-
син

Яна бир эслатиби.
Озод бўлган кўёнвой,
Нарироққа қочиби.
Хйла, кирдикорларин,
Барчасини очиби:

— Эй гўл, лапашанг ба-

қа,
Қилавергин вақ-вақа.
Ахмоқ бўлмаганингда
Ишонармидинг менга?
Терингдаги сўгаллар,
Сенга авлоддан мерос.
Ҳен қачон кетмас улар,
Хуснинг жуда ҳам мос.
Шундай деганча кўён,
Роса хоҳолаб кулади.
Қўшиқ айтганча шодон,
Урмон томон югурди.
Оғзин очганча бақа,
Боқар у кетган ёқа.
Сигмас энди кўнглига,
Шук юшиги «вақ-вақа».

Дилноза ОРИПОВА,
Наманган вилояти,
Чуст туманидаги
30-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.



Рассом Тошпўлат ЎСАРОВ хандаси

Муассислар: УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМІТАСИ.